



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 162 (10.215)

2004 ЙИЛ 23 АВГУСТ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

Кисса

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** 125-мактабда «Толариқ» маҳалласи фаоллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларни бажариш, терроризмга қарши курашда ҳамжиҳатликка эришиш чораларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **МИРОБОД** туманидаги ҳарбий қисмда декабрда икки палатали парламентга бўладиган сайловларга тайёргарлик кўриш масаласига бағишлаб ўтказилган тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

● **ЎТГАН** кунни Акмал Икромов туманидаги «Бешқайрағоч» маҳалласида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Маҳалла» жамағатининг туман бўлимлари ҳамкорликларида 9-10 ёшли болалар ўртасида футбол мусобақаси ўтказилди.

● **ШАЙХОНТОҲУР** туманидаги «Илғор» ва «Тинчлик» маҳаллалари фаоллари иштирокида оиланинг жамият ҳаётида тутган ўрни, ёшлар тарбиясининг долзарб муаммолари, халқро терроризмга қарши кураш, яқинлашиб келаётган Истиқлол айёмининг 13 йиллигига тайёргарлик кўриш масалаларига бағишлаб давра суҳбати ўтказилди.

● **СОБИР** Раҳимов туманидаги Ёшлик талабалар шаҳарчасида уюштирилган «Оғоҳликка даъват» мавзусидаги тадбирда Тошкент Давлат техника университети профессор-ўқитувчилари ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари иштирок этишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Келажакимиз ворислари бўлган ёшлар барча соҳаларда Ватанимиз ривожини йўлида самарали меҳнат қилмоқдалар.

СУРАТДА: Мирзо Улуғбек меҳнат бўлимида фаолият кўрсатган Икбола Абдуқодирова ва Арофат Манноповалар ёш, изланувчан ходимлардан ҳисобланишади.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.



Шунда Мустақиллик деб аталмиш улуг неъматнинг қадр-қиммати, маъно-моҳияти янада теранлашади. Зеро, бугунги дорилмомон кунлар қадрига не етсин. Ота-боболаримиз бу кунларни деб не-не азоб-қубатларни бошидан кечирмади?! Юртни обод, халқини фаровон қилиш умидида қанчадан-қанча буюк инсонлар армон билан дунёдан кўз юмди.

Улар орзу қилган, аммо nasib этмаган замонлар бугунги ёш авлод камолотига хизмат қилаётгани тенгдошларимнинг толеи нақадар порлоқ эканидан далолатдир. Буни қадрлаш, эрк ва озодлик учун ку-

саньат, фан ва маданият соҳасидаги ижодий фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Мен 2003 йилда таълим йўналишида ушбу мукофот соҳиби бўлганим билан фахрланаман. Бу ютуғимда, аввало, истиқлол тўғрисида тутилган имконият, ота-онам ва таълим-тарбия берган устозларимнинг меҳнатлари қатта. Чунки ҳар бир инсон камолотида оила ҳамда мактабда олган таълим ва тарбияси муҳим ўрин тутadi.

Ҳозир Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари универ-

Истиқлол тешини тақдирингда КЕЛАЖАГИ БУЮК ЮРТ ЁШЛАРИМИЗ!

Миллат бошига ташвиш келтирган суронли йилларни эслаш, эл-юртнинг ҳур ва озод кўриш умидида бевақт дунёдан кўз юмган фидойи ватандошларимиз хоки пойида сукутга чўмиш осон эмас. Мен ҳар қай пойтахтимиздаги «Қатагон қурбонлари хотираси» музейида бўлганимда у ерга ташриф буюрганларнинг юз-қўзидан қалбда кечаётган ана шундай кечинмаларни ҳис қиламан.

ларини эгалаб, фарзандлик бурчимизни тўла адо этишга қодир бўлмоғимиз лозим.

Мен ҳур ва озод Ватанимиз фарзанди сифатида истиқлол хотин-қизлар учун қатта имкониятлар ашигини очганини ҳар лаҳзада ҳис этаман. Хоҳ ўқишда, хоҳ ишда, хоҳ жамоат ёки давлат идораларида қизлар ва аёллар фаол меҳнат қилаётганини кузатиб босим осмонга етadи.

Зеро, бизнинг мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши, ёш авлод тарбияси билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратиб берилаётир. Иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш, истеъдодини камол топтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани бунинг ёрқин далилидир.

Юртбошимизнинг Фармонига мувофиқ, ушбу мукофотга аъло ҳуқуқи, ўқишдаги ютуқлари, ижтимоий фаоллиги билан назарга тулган, истиқлол ғояларини амалга оширишга астойдил интилаётган қизлар сазовор бўлаётир. Бу мукофот уларнинг адабиёт,

ёйишга ўз ҳиссамни қўшсам, деган умиддаман.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида аёлларнинг мамлакатимиз сиёсий-иқтисодий, иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини яқинлаштириш борасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш билан боғлиқ вазифалар белгилаб берилган.

Мамлакатимизда хотин-қизлар мавқеини юксалтириш, аёлларни эъзозлаш борасида амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза этиш борасида янада кенг имкониятлар очadi. Биз, ёшлар бу жаҳада олдинги марҳада бўлмоғимиз даркор.

Малика РАҲМОНБЕКОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси
ЎзА

XVI сақоси

Барча маъбалардан олқинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида парламент Омбудсмени хузуридаги инсоннинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Бадиий академиясида До Минь Куй раҳбарлигидаги «Вьетнам-Ўзбекистон» дўстлик жамияти аъзолари билан учрашув ўтказилди.

● Мустақиллик байрами арафасида Хоразм вилоятида иккита янги иншоот қад ростлади. Охунбоев ширкат ҳўжалигида болалар спорт мажмуаси ишга туширилган бўлса, «Хоразм» ширкат ҳўжалигининг Қирён қишлоғида 100 ўринли санаторий типидagi мактаб-интернат ўз фаолиятини бошлади.

● Россиянинг «Трансаэро» авиакомпаниясининг юртимизга парвозлари географияси кенгайдиган бўлди — ҳозир Москва — Бухоро — Москва йўналиши бўйича янги қатновни очишга тайёргарлик кўрилмоқда.

● Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманидаги Шаҳанд қишлоғида фаолият бошлаган «Ас-Шах текстил» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси қишлоқ аҳолисининг 200 нафарини иш билан таъминлади.

● Тошгузар—Бойсун—Кумқўрғон темир йўл линиясининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди.

● ЕАН—Ўзбекистон махсусотларни автоматик идентификациялаш маркази мазкур тизимда қўлланилувчи умумжаҳон Реестри — GEPIRга аъзо бўлди.

Жаҳонда

Жанубий Корея АҚШ билан ҳарбий ҳамкорлик борасида олиб борадиган музокараларида Жанубий Кореяда жойлашган Америка қўшинларини қисқартириш масаласини тўхтатиб туришни илгари сурмоқчи.

● Исроилдаги «Авода» партиясининг етакчиси Шимон Перес навбатдан ташқари парламент сайловларини ўтказишни таклиф этмоқда.

● Непал мамлакатининг пойтахти Катмандуни маочилар қамал қилишмоқда. Улар мамлакат маъмуриятдан қамоқхоналардаги ўз тарафдорларини зудлик билан озод қилинишини талаб этмоқдалар.

● АҚШнинг Флорида штатида юз берган «Чарли» бўрони кейинги ўн йил ичида энг қатта табиий офат деб ҳисобланмоқда. Минглаб кишиларни бошланасиз қолдирган ушбу бўрон натижасида 16 нафар киши ҳаётдан кўз юмди.

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Ватанимиз Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишлаб эълон қилган

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» танлови якунланди

- МИРПУЛАТ МИРЗО** (шоир) — Шейрий «Сайланма»си ва жаҳон шеърини намуналаридан қилган таржумалари жамланган «Сомон йули чечаклари» китоблари учун
- АСРОР АБРОРҲУЖАЕВ** (журналист) — «Меҳр кўзда» туркум телекўрсатuvi учун
- АНОРКУЛ БОЙБЕКОВ** (рассом) — «Сирдарё кечувлари» туркумидagi тасвирий санъат асарлари учун
- НОДИР ШОАЗИЗОВ** (дизайнер) — Инсон руҳияти, қалби ва онгида кечаётган ҳурлик ўзгаришларини тасвирий воситалар орқали моҳирона ёрит-

- гани учун
- СЕРГЕЙ СПИРИДОНОВ** (фотомухбир) — «Ҳарбий ватанпарварлик» мавзусидаги фотосуратлари учун
- Куйидаги ижодкорлар танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўдилар:
- Муротбой Низонов** ва **Тўраниз Қалимбетов** (Қорқалпоғистон Республикаси) — «Бор-шитаулли азамат деҳқон» видеофильми учун
- Ориф Омонов** (Қашқадарё) — «Оловқалб одамлар» — «Фидойи» китоблари учун
- Ҳайдар Санаев** (Самарқанд) — «Менинг

қишлоғим», «Бодом гуллаганда» тасвирий санъат асарлари учун

Малика Ниёзматова — «Новий век» мустақил газетасида чоп этилган «Меҳр ва муруват йили»га бағишланган туркум мақолалари учун

Дилшода Раҳматуллаева (Хоразм) — «Экология», «Тўрт фасл», «Оқар дарё» тасвирий санъат асарлари учун


Шаркат Ориф — «Мустақиллик, маънавият, тикланиш даври» мақолалари учун

Иброҳим Ҳақул — «Тафаккур» журналинда эълон қилинган «Абдулла Қаҳҳор жасорати» эссеи учун

Зиёвуддин Мансур (Наманган) — «Дилраболар диёри» шеърини тўплами учун

Раҳимжон Ризамухамедов — «Амир Темур шаҳараси» тасвирий композицияси учун

Дилбар Раҳимова — «Ўзбекистон — умумий уйимиз», «Ягона оилда» туркум телекўрсатувлари учун



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл баёнот беришича, Япония БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлиши учун мамлакат Конституциясига ўзгартириш киритиш керак. Бу ҳақда «Reuters» агентлиги хабар тарқатди. Давлат котибининг фикрича, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлиши учун ҳаракат қилаётган Япония ҳарбий операцияларда иштирок этиш доирасини кенгайтириш, унинг барча мажбуриятларини бажариши даркор.

● Исроил ҳарбий ҳаво кучларининг Газо секторига уюштирган ҳужуми оқибатида беш нафар фаластинлик қурбон бўлди. «ХАМАС» вакилининг сўзларига қараганда, ракета гурӯҳи етакчиларидан бирининг уйига келиб тушиши оқибатида у жароҳатланган. Исроил тарафи ушбу ҳаракатни «ХАМАС» террорчиларига қарши ҳужум деб изоҳламоқда.

● Литва мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлаш мақсадида ҳаво ҳужумига қарши янги тизим ўрнатди. Мамлакат Мудофаа вазирлиги вакилининг сўзларига қараганда, тизим НАТО андозаларига тўлиқ жавоб беради. НТВ телеканалининг маълум қилишича, тизим 20 километрлик масофага жойлаштирилган.

● Юз берган кучли довул туфайли Флорида штатининг 790 минг аҳолиси электр энергиясиз қолди. 150 мингдан ортиқ хонадонда телефон алоқаси узилди. Маҳаллий ҳукумат вакилининг сўзларига қараганда электр тармоғини тиклаш учун бир ҳафтадан ортиқ вақт керак бўлади. Сўнгги маълумотларга кўра, 19 нафар одам қурбон бўлган. Довул келтирган зарар 11 миллиард АҚШ долларига тенг деб баҳоланмоқда.


● Украина кўмир конларида техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси қондаларини бузгани учун мингдан ортиқ кочка маъмурий жавобгарликка, 43 нафар кон раҳбари эса иқтисодий жазимага тортилди. «Қондалар бузилганлиги аниқланган фактлар буйича 1016 нафар кон ишчиси маъмурий жавобгарликка тортилди» дейилади Украина меҳнат муҳофазасини назорат қилиш бўйича давлат қўмитаси матбуот тизими ахборотида.

● Август ойининг бошида номатълум сабабга кўра ҳаётдан кўз юмган болалар қонида кўш гриппи вируслари топилган. Бу ҳақда «Reuters» агентлиги хабар берган. Вьетнам касалхоналари шифокорларининг айтишларича, ушбу касаллик анчадан буён қайтарилмаётган эди. Ҳозирда қўлаб гумон қилинаётган инсонлар текширувлардан ўтказилмоқда.

● Филиппин шимолдаги Калаян оролида янги турдаги куш топилган. У орол номи билан атамоқда. AFP агентлиги маълум қилишича, Филиппин ва Буюк Британия олимларидан иборат экспедиция уратган ушбу куш қора-жигар рангда бўлиб, қарга билан тенг ҳажмга эгадир. Ҳозирча фанга номаълум бу куш шу пайтгача жаҳон орнитологлари эътиборига тушмаган.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида бошқа соҳалар каби соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш асосий ва бош масалалардан ҳисобланмоқда. Айниқса, она ва бола саломатлигини сақлаш борасида самарали ишлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан мамлакатимизда «Соғлом авлод» жамғармасининг ташкил этилиши ёш авлоднинг соғлом ва баркамол вояга етиши йўлида кўрсатилётган гамхўрлик намунасидир. Шунингдек, мамлакатимизда хусусийлаштириш жараёни кенг тус олгач, хусусий шифохона ва поликлиникалар бунёд этилди, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида поликлиникаларнинг оилавий шифохона тизимига ўтилатганиги ҳам бу йўлда қўйилган муҳим қадам бўлди.

Мустақиллик тевалари



ДАРДГА ДАРМОН ШИФОКОРЛАР

Бугунги кунда республикада биринчи кўп тармоқли кечаю-кундуз тиббий хизмат кўрсатувчи хусусий клиникаларга мисол сифатида МДС клиникасини келтиришимиз мумкин. МДС клиникаси республикамиздаги кўп тармоқли тиббий ёрдам кўрсатувчи етакчи нодавлат тиббиёт муассасасидир. Клиника шахримиз марказида жойлашган бўлиб, 1996


корлардир. МДС бу—тиббиёт, ташхис қўйиш, статистик маълумотларни тўплаш деган маънони англатади. Клиника тўлиқ компьютерлаштирилган бўлиб, беморларда ўтказилган барча тиббий кўрик ва текширувларнинг улар хотирасида сақланиши шифокорлар ҳамда бошқа мутахассисларнинг самарали ишлашлари учун яхши имконият яратди. Мавжуд 70 дан ортиқ компьютерларнинг ягона тармоққа бирлаштирилганлиги шифокорларнинг ўз иш жойларида туриб барча ахборотлар билан танишишларига имкон беради.

Сўнгги йилларда республикамиз вилоятлари ва қўшни давлатлардан МДС клиникасига мурожаат қилаётган беморлар сонига беморларнинг ўз иш жойларида туриб барча ахборотлар билан танишишларига имкон беради.



Сўнгги йилларда республикамиз вилоятлари ва қўшни давлатлардан МДС клиникасига мурожаат қилаётган беморлар сонига беморларнинг ўз иш жойларида туриб барча ахборотлар билан танишишларига имкон беради.

Хар қандай касалликка тўғри ташхис қўйиш — уни самарали даволашнинг муҳим гаровидир. Фақат аниқ қўйилган ташхис асосида шифокор беморни муваффақиятли даволаш, соғломлаштириш ёки касалнинг олдини олиш режасини тўғри тузиши мумкин. Клиникада энг замонавий ва ноёб ташхис базаси яратилган бўлиб, у қуйидаги бўлимлардан иборат: рентген-нур диагностика, ультратовуш текшируви, эходоплерография, маммография (кўкрак безининг рентгени), эндоскопия (бевосита экранда кузатиш), функционал ташхис қўйиш, лаборатория текшируви, магнит резонанс томография, компьютер томография, электроэнцефалография. Айтиш жоизки, беморни текшириш жараёнида юқори аниқликка эга бўлган тиббий асбобларнинг қўлланилиши ўз вақтида аниқ ва тўғри ташхис қўйишни таъминлайди. Клиниканинг малакали мутахассислари




касалликни аниқлаш учун зарур бўлган текширувни қулай бўлган вақтда тез ҳамда юқори аниқлик билан амалга оширадилар.

Клиниканинг поликлиника бўлимида ҳам тиббиётнинг даярли барча соҳалари бўйича юқори малакали кўрсатувчи шифокорларнинг клиник фикрларининг уйғунлашуви барча ҳолларда беморларга тўғри ташхис қўйиб, уларни самарали даволашга замин яратди. Поликлиникада рўйхатда турган беморлар ўз шифокорлари билан мунтазам алоқани сақлаб қолиб, уларга қайта мурожаат қилишлари ёки телефон орқали маслаҳатлар олишлари мумкин. Шифохонада жароҳлик, даволаш, шу жумладан кардиология, эндокринология, неврология касалликлари билан оғриган беморлар даволанадиган палаталар мавжуд бўлиб, уларга юқори малакали шифокор ва ҳамширалар хизмат кўрсатадилар.

Клиниканинг тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимида ҳам малакали шифокор ва ҳамширалар чақирувдан сўнг 10-15 дақиқа ўтган беморларга тезкор тиббий хизмат кўрсатишга етиб борадилар. Барча керакли дорилар ва алоқа воситалари билан таъминланган ҳамда шошилинч ва реанимацион ёрдам кўрсатиш учун барча қулайликларга эга бўлган «Мерседес» русумли автомашиналар 24 соат давомида байрам ва дам олиш кунлари ҳам доимо болалар ва катталар учун хизматга тайёр турадилар. Клиникада бугунги кунда фаолият кўрсатаётган олий тоифали ҳамда илмий даражага эга жарроҳлар — Иосиф Ким, Алишер Исмоилов, даволоччи шифокор Абдуғаффор Гадов, лор—Наби Нормирзаев, невропатолог—Оттахон Матчонов, рентгенолог, радиолог—Михаил Чиченин каби малакали шифокорлар хизматидан қўнчилик миннатдор.

Дарҳақиқат, мустақиллигимиз шарофати билан шахримизда ташкил топётган бу каби хусусий поликлиникалар халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётганлиги мақсадга мувофиқдир. Нераки келажак авлод соғлом бўлса, камият ҳам соғлом бўлиши мумкин. Мустақил Ўзбекистонимиз буюк тараққий сари илдамлаб борар экан, албатта бу юртдан соғлом фикрли, жисмонан бақувват, хар томонлама қомил инсонлар етишиб чиқиши шубҳасиздир.

ДИРОРОМ ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: МДС клиникаси фаолиятдан лавҳалар.



йилдан буён халқимиз саломатлигини сақлаш борасида муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ушбу клиника тиббиётнинг сўнгги ютуқлари ва юксак шифокорлик анъаналарига асосланган ҳолда ташкил этилган замонавий тиббиёт стандартларидандир. Даволаш ҳамда жарроҳлик блокларидан иборат бўлган ва беморлар муқим ётиб даволанадиган шифохона, кундузги шифохона, ренгениация, лаборатор-функционал, рентген-радиология, кўп тармоқли поликлиника ва тез тиббий ёрдам бўлиmlаридан иборат клиникада шифо истаб келганлар учун барча қулайликлар яратилган. Бу ерда фаннинг сўнгги ютуқлари асосида жаҳондаги етакчи тиббиёт асбоблари ишлаб чиқарувчи корхоналарда тайёрланган замонавий аппаратлар билан жиҳозланган ҳамда хориджаги машҳур клиникаларда мунтазам малакасини ошириб келаётган юқори малакали тиббиёт ходимлари сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқдалар.

— Клиникада 80дан ортиқ юқори малакали шифокорлар халқимиз хизматида, — дейди биз билан суҳбатда клиниканинг маркетинг бўйича менежери Дониёр Махмудов. — Уларнинг ўндан ортиги фан доктори ва фан номзоди илмий даражасига эга, қолганлари эса олий ва биринчи тоифали шифо-

Россиянинг «Трансаэро» авиокомпанияси мамлакатимизда ўз фаолиятини бошлаганига ўн йил тўлди. Бугунги кунда «Трансаэро» Ўзбекистон авиабозорида ўз мавқеига эга компаниялардан бири саналади.

ҲАВО ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

имтиёзли турларини жорий этмоқда. «Дунё фонд биржаларида нефтининг нархи ошиб бораётган бир вақтда бундай нархларни жорий қилиш, компаниянинг молиявий аҳолига зарар етказиши мумкин. Лекин рақобатга дош бериш учун баъзан йўқотишларга ҳам чидаш керак», — дея эътироф эттиди компания раҳбарлари.

Йўловчилар кўпинча чегараларда кўп вақтини олдидан

текширувлардан, юкларнинг ўз вақтида етказиб берилмаслигидан норози бўлишади. Буни ҳисобга олган компания маъмурияти Россия авиакомпаниялари орасида биринчи бўлиб, йўловчиларга янги хизмат турларини тақлиф этди. Бирон манзилга парвоз қилмоқчи бўлсангиз, рўйхатдан ўтш ва юкларни топшириш учун икки соат аввал эмас, балки буни истаган вақтингизда амалга оширишин-

гиз мумкин. «Трансаэро» компанияси вакилларининг эътироф этишларича, компания Марказий Осиё минтақасида Ўзбекистонга алоҳида эътибор билан қарайди. Ўтган вақт мобайнида Москва — Тошкент — Москва йўналиши бўйича беш мингдан ортиқ рейс амалга оширилди. Компания жорий йилда янги йўналишлар бўйича парвозларини амалга ошироқчи. Улардан бири Москва — Бухоро — Москва йўналишидир. Дунё аҳлининг Бухорога қизиқшини инobatга оладиган бўлсак, янги йўналишининг очилиши ушбу шаҳарга сайёҳлар оқими кўпайишига омил бўлади.

Алоуддин ҒАҒФОРОВ,
«Туркистон-пресс»

Транспорт**КУРИЛИШ
ПОЕЗДИ
САФАРДА**

Тошкент ихтисослаштирилган қурилиш-монтаж поезди «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акционерлик темир йўл компаниясининг муҳим алоқа тармоғи сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Мамлакатимизда бунёд этилаётган янги темир йўллarda, улкан темир йўл пунктлари қурилишларида бу жамоа фаол иштирок этиб, кенг кўламли бунёдкорлик ишларини олиб бормоқда.

Тўқимачи-Ангрен темир йўлини электрлаштиришда ҳам поезд жамоаси ўзига топширилган вазифаларни аъло даражада адо этди. Янги Фузор — Бойсун — Қумқўрғон йўлининг Тошгузор бекатида қурилиш-монтаж ишларини удалаш ҳам ушбу жамоага ишониб топширилди. Ана шу бунёдкорлик давомида замонавий алоқа ва техник қурилмалардан фойдаланилди.

**Хўжаликда
ЭЛЕКТРОКИМЁ
ЛАБОРАТОРИЯСИ**

Йўловчиларга бир меъёрга транспорт хизмати кўрсатишда электр транспорти воситаларининг тутган ўрни катта, албатта. «Тошшаҳарйўловчитранс» акционерлик компаниясига қарашли электр транспорти энергия хўжалигида амалга оширилаётган техник тадбирлар яхши самаралар бермоқда.

Хозир хўжалик умумий қуввати 171.000 киловатт ташкил этадиган 80 га яқин тортиш нимстанцияга техник хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари хаво фидери, «ЭСТМ-62» телебошқарув тизимидан иборат 20 дан ортиқ тортиш нимстанцияси ишини юритиш ҳам бу жамоа зиммасига юклатилган.

Электрлаборатория фаолияти йўлга қўйилиши ҳам айни муддао бўлди. Бу эса махсус қисмлар ва бошқа механизмларни таъмирлаш устaxonаси ҳамда электр ускуналари ва кабелларни таъмирлаш-намуна синовидан ўтказиш учун пухта замин яратди.

**ТЕХНИК
ИЗЛАНИШ
САМАРАСИ**

Тошкент метрополитенининг «Ўзбекистон», «Чилонзор» электродеполарида техникавий жараёнлар изчил амалга оширилмоқда. Натижада эскириб қолган детал ва узелларни янгилари билан алмаштириш имкони туғилмоқда.

Деполарда фаолият кўрсатётган рационализатор ва ихтирочилар изланишлари самараси ўлароқ юзага келган техник қурилмалар ҳам ишга солинмоқда. Вагонларни таъмирлашнинг катта усталари техник янгиланасосларини сифатли соғлаш учун замин яратди. Шуниси муҳимки, ушбу жараён қудуқларнинг ўзидан тез ва соф амалга оширилади.

Рационализаторлик тақлифи туғайли метросозлар кўплаб иқтисодий фойда кўради.

Ақбар АЛИЕВ

Унда, жумладан, пойтахтимизнинг барча туманларида 20 августдан 10 сентябрга қадар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдо-ярмаркаси уюштирилиши белгиланган.

Пойтахт аҳолиси ва шаҳримиз меҳмонлари «Фарҳод», «Бешёғоч», «Миробод» бозорлари ҳудудида ва бошқа аҳоли гавжум масканларда ташкил этилган ярмаркалардан сазавот, узум, қовунтарвуз, асал, гўшт каби кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нисбатан

Вазирлар Маҳкамаси Ватанимиз Мустақиллигининг 13 йиллиги таъаналари кунарида барча юртдошларимизга янада қўлайлик яратиш мақсадида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида мева-сазавот ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдо ярмаркасини ташкил этиш юзасидан фармойиш қабул қилди.

**БАЙРАМ САВДО
ЯРМАРКАЛАРИ**

арзон нархларда харид қилишлари мумкин.

Ҳамза тумани аҳолиси учун ана шундай ярмарка «Авиасозлар» маданият саройи майдонида ташкил этилди.

— Байрам дастурхонига вилоятимиз соҳибқору боғбонлари етиштирган ўнлаб турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тортиқ этмоқдамиз, — дейди Наманган вилояти

ҳокимлиги вакили, «Осиё» фирмаси директори ўринбосари Обиджон Абдуқаҳҳоров. — Ярмарка очилган кунин Чортоқ туманидаги «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги», Алишер Навоий номидаги, «Пешқўрғон» ширкат хўжаликлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари юз тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сотди. Миришкорларимиз ярмаркага бир ярим минг тоннадан ортиқ маҳсулот етказиб беришга аҳд қилган.

ЎЗА

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес-марказида Япония ҳукуматининг кичик ҳажмдаги лойиҳалар учун беғараз ёрдам дастури доирасида Ўзбекистондаги ўрта таълим муассасалари учун 157 миң АҚШ доллари миқдорига грант ажратишга оид ҳужжат имзоланди.

**ГРАНТ-ШАРТНОМА
ИМЗОЛАНДИ**

Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато Ўзбекистон-Япония муносабатлари барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Таълим соҳасини ислоҳ этиш борасидаги ҳамкорлик, айниқса, самарали

кечмоқда. Япония ҳукумати томонидан Ўзбекистондаги ўрта таълим муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш лойиҳаси доирасида кўрсатилган изчил ёрдам ана шундай яқин ҳамкорлик натижасидир.

Тадбиркорлик**МИЖОЗЛАР МАМНУН**


Юртимизда кичик тадбиркорлик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга қаратилган кенг имкониятлардан оқилона фойдаланаётганлар қаторида Чилонзор туманида самарали фаолият юритаётган тадбиркор Алеся Пакнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

— Эркаклар билан ҳар бир соҳада тенг беллаша оладиган та-



Бугунги кунда иш кўзини билган тадбиркор саъй-ҳаракатлари билан ички бозорни ўрганиш асосида мазкур қандолатчилик цехи аҳоли дастурхонининг кўрки бўлган азиз неъмат —

нон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Гамбургер, хот-доглар учун нонлар, «Сариёғли», «Майизли», «Ширин»



шаббускор, доимо янгиликка интилувчан хотин-қизларимиз сафи кенгайди, — дейди хусусий тадбиркор Алеся Пак. — 2001 йилдан иш бошлаб қандолатчилик цехини ташкил этдим ҳамда 5 нафар ёшларни иш билан таъминладим.

моқда. Улар «GIF DO'STLIK» минимаркетиде сотилмоқда. Ишчиларнинг яқин кўмакчисига айланган Жанубий Корейдан келтирилган замонавий кичик новвойхоналар, дастгоҳ ва ускуналар унумли ишга омил бўлмоқда. Изланувчан тадбиркор эзгу мақсадларни кўзлаган ҳолда келгусида аҳоли дастурхонига янгидан-янги нон турларини етказиб бериш ҳамда ёшларга янги иш жойларини яратишни режаларган.

Асосан маҳаллий хом ашёдан — олий навли ун, сифатли маргарин, тухумдан тайёрланаётган хушбўй, хуштаъмон маҳсулотлари миқдорларни мамнун қил-

моқда. Улар «GIF DO'STLIK» минимаркетиде сотилмоқда. Ишчиларнинг яқин кўмакчисига айланган Жанубий Корейдан келтирилган замонавий кичик новвойхоналар, дастгоҳ ва ускуналар унумли ишга омил бўлмоқда. Изланувчан тадбиркор эзгу мақсадларни кўзлаган ҳолда келгусида аҳоли дастурхонига янгидан-янги нон турларини етказиб бериш ҳамда ёшларга янги иш жойларини яратишни режаларган.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: қандолатчилик цехининг ёпа-сингил Шаҳноза Аҳмедова, Дилфуза Умурзоқова ҳамда Муҳаббат Аҳмедовалар касбларидан мамнулар; тажрибали новвой Владимир Ушаков ўз ишининг устаси ҳисобланади.

Алексей Попов олган суратлар.

«Тошкент оқишми»га**жавоб берадилар****КАМЧИЛИКЛАР
ЭЪТИБОРГА ОЛИНДИ**

Газетамизнинг 2004 йил 8 июнь сониде чоп этилган «Қўлайликлар яратилмаган» номли мақолада шахримиздаги «Шимол» темир йўл вокзали автобошбекатидаги тартибсизликлар танқид қилинган эди. Ушбу танқид юзасидан «Тошшаҳарйўловчитранс» акционерлик компанияси бошқарув раиси ўринбосари Ш.Ибодуллаев имзоси билан қуйидаги жавоб хатини олдик:

«Тошшаҳарйўловчитранс» акционерлик компаниясининг қурилиш бошқармаси ходимлари тасарруф этувчи ташкилот бўлган «Биринчи автокорхона», «2-автобус саройи» ОАЖ раҳбарияти билан биргаликда жойига бориб, «Қўлайликлар яратилмаган» мақоласида қайд этилган танқидий мулоҳазаларни ўрганиб чиқдилар. Мақоладаги аҳолига хизмат кўрсатиш борасидаги қониқарсизлик далиллари тасдиқланди.

«Тошкент вокзали» автобошбекатида соябонлар, ўриниқлар, сумка қўйиш илгаклари ўрнатилмаган. Мазкур автобошбекат қурилиши бўйича буюртмачи ва пудрат ташкилоти қилиб Ободонлаштириш бош бошқармасининг бўлинимаси белгиланган эди. Автобуслар ҳаракати текширилганда оралик қатнов вақти жадвалга мувофиқ эканлиги аниқланди. Автобошбекат ҳудудини тозалаш ишлари бўйича автобус корхоналарига тегишли кўрсатмалар берилди.

«Тошшаҳарйўловчитранс» акционерлик компанияси автобошбекатини соябонлар, ўриниқлар, сумка қўйиш илгаклари билан жиҳозлаш ишида ёрдам бериш тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимиятига мурожаат қилди.

Мунақарда

ФАЙЗЛИ ГЎШАЛАРИМИЗ КЎПАЯВЕРСИН

Йилдан-йилга республикамизда ўзини-ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларга эътибор ошириб бормоқда.

Маҳаллалар ўз ҳудудида яшовчи фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш йўлида ибратли ишларни амалга ошириш, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби масалаларни бажаришда муҳим ўрин тутмоқда.

Маҳалла ҳудудида унча катта бўлмаганлиги сабабли хомийлар ёрдамидан фойдаланиш қийин кечсада, фаолларнинг сайй-ҳаракатлари билан маҳаллани ободонлаштириш, кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий муҳофазаси йўлида оқилона йўллар изланмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг Республикада болалар спортини ривожлантириш ҳақидаги қарорига асосла-



60 дан ортиқ оилаларга 700.000 сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Кўп болали оилаларга, шунингдек, етим-асирларга шахримиздаги маданият ва истироҳат боғларига бепул чипталар тарқатилди. «Истиклол» маҳалласи ҳудудида истиқомат қилувчи қария отахонларимиз аҳолидан хабар олиб турувчи оилалар ҳам мавжуд. Жумладан, маҳаллада истиқомат қилувчи 18 та уруш қатнашчиларига ҳам алоҳида эътибор бериб келинаётганини таъкидлаш жоиз.

Маҳаллада давра сўхбатлари, машур адиб ва ёзувчилар билан учрашувлар ўтказилиб турилиши диққатга сазовордир. Кўни кеча ушбу маҳаллада «Энг тоза кўча» кўрик-танловининг ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Унда маҳалла аҳли яқдиллик билан катнашди. Бу эса маҳаллада обо-

доништириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига катта эътибор берилганлигидан дарак беради.

Энг азиз ва энг улғу Мустақиллик байрамини «Истиклол» маҳалласи кўтаринки ҳақиқат билан нишонлаш ниятдадилар.

Юлдуз УСМОН СУРАТЛАРДА: «Истиклол» маҳалласи ҳаётидан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар.



дари-ташвиши билан елиб югурувчи Тоир ота Абдуллаев бошчилилик қилади.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллада ҳеч қандай иш фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари иштирокисиз амалга оширилмайди. Зеро, ҳозирги кун талаби, элу юртнинг юксак ишончи оқсоқолга жуда катта масъулият юклайди. Фуқароларнинг тинч-тотув, бир оила фарзандидек, баҳамжихатликда яшашлари учун тadbиркорлик билан иш олиб бориш даркор. Бу каби вазифаларни оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари сидқидилдан амалга оширишлари аҳамиятга молик. «Қачонки одамларга меҳр-муҳаббат билан ёндошсанг, шундагина улар сenga суянади, кувончу ташвишини бирга баҳам кўради»,— дейди биз билан сўхбатда Тоир Абдуллаев.



Дарҳақиқат, етти ёшдан етмиш ёшга бир хил муносабатда бўлиш, муружат қилганларга ширинсуханлик билан мушкулни осон қилишга ҳаракат қилиш оқсоқолнинг ишини енгиллаштиради деб ўйлаймиз.

ниб, маҳалла ҳудудида болалар спорт майдончасининг қурилиб, фойдаланишга топширилиши бунга ёрқин мисол бўла олади. Бу хайрли ташаббус ёшларни спортга жалб этиш, уларни маънан етук, ҳисмонан баркамол тарзда вояга етказишда ёрдам бериши ва маҳалла болаларининг бўш вақтларини таъминлаш мақсадида амалга оширилди.

Меҳр ва муруват йилида эса маҳалла оқсоқоли ҳамда унинг ёрдамчилари яқдиллиги билан

Бу кўшиқ қачонлардир яратилишига қарамай айни дамда ҳақиқатни тараннум этаётгандек бўлади. Пойтахтимиз кўчаларига чиққан одам борки, уни ўз кўзи билан кўради ва баъзан дили очилиб пойтахтимизнинг янги гўзал кўринишидан, ойдин кўчаларнинг кўшиқда айтилганидан-да файзлироқ бўлиб кенг ва ёруғ, ўзгача бир чирой очиб бораётганидан кўзлари кувнайди.

Муносабат

КўЧАЛАР, ОЙДИН КўЧАЛАР...


Бизнинг хонадон отахон театримизнинг янгитдан барпо қилинган боғи орқасида бўлиб боғдаги кўркэм «ка кўрк кўшиб турган фаввора шундоққина уйимиз деразасидан кўриниб туради. Беш-олти йил бўлди. Уйларимиз оралигидаги кўчаларга ҳам баланд-баланд симёгонлар ўрнатилиб кўча чироқлари порлаб қоп-қоронгу кўчаларимиз ойдин кўчаларга айланди.

Бир сўз билан айтганда, ажайиб иш бўлди. Кўшиқда айтилганидек, ойдин кўчаларимизга кўз тегди.

Халқимизда ёмонни айтганимиз ҳам бўлди: «Нима кераги бор, ёруғлик шундоққина балконида тушиб туролганда безовта бўламан», дейдиганлар ҳам бўлди. Ахир чироқлар порлаб ёниб турса нима ёмон? Каттаю кичик тунги пайтларда чўчмай бе-хавотир юрадиган бўлди-ку. Бир чеккаси кўча чироқларининг, ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз керак бўлганидаги ролди, аҳамияти катта эмасми?

Бир сўз билан айтганда, ажайиб иш бўлди. Кўшиқда айтилганидек, ойдин кўчаларимизга кўз тегди.

Халқимизда ёмонни айтганимиз ҳам бўлди: «Нима кераги бор, ёруғлик шундоққина балконида тушиб туролганда безовта бўламан», дейдиганлар ҳам бўлди. Ахир чироқлар порлаб ёниб турса нима ёмон? Каттаю кичик тунги пайтларда чўчмай бе-хавотир юрадиган бўлди-ку. Бир чеккаси кўча чироқларининг, ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз керак бўлганидаги ролди, аҳамияти катта эмасми?



дам олувчилар, айниқса кексаларимиз бу жойда кўрпачаларда ўтириб, бемалол ҳордиқ чиқарадилар. Шунингдек, уларга байрамларда дастурхон безатилиб, ош тортилади. Булардан ташқари боғда Болалар спортини ривожлантириш жа-

таб-интернат ўқувчилари, тумандаги Алишер Навоий, «Чўпон ота» номли маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар фарзандларига аттракционларда бепул учин учун чипталар тарқатилади. Шунингдек, уларга байрамларда дастурхон безатилиб, ош тортилади. Булардан ташқари боғда Болалар спортини ривожлантириш жа-

ка, волейбол, баскетбол, стол теннис, ширк ўйинлари секциялари тўғрисида йўналишда ташкил этилган бўлиб, ёшлар билан гавжум бўлиб бормоқда.

Боғда шунингдек, шанба ва яқшанба кунлари дам олиш концентралари, кўнгилчар томошалар, болалар учуни кўғирчоқ театри, шахримиздаги маданият уйлари бадиий жамоаларининг чиқишлари мунтазам ўтказилиб ҳамшаҳарларимиз кўнгилчарини хушнуд эт-

Бизга жавоб берадилар

АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

«Тошкент оқишони» газетасининг 2004 йил 7 июль сониди И.Алиеванинг «Қачонгача кутамиз?...» сарлавҳаси билан чоп этилган мақола «Тошшаҳарийловчитранс» акциядорлик компаниясида кўриб чиқилиб, улар тахририятга кўйидаги мазмундаги мактубни йўллади.

Мақола акциядорлик компаниясида транспорт корхоналари раҳбарларининг тасарруфи бўйича ўринбосарларининг «18-автобус саройи» ОАЖ да муҳандис-техник ходимлари ва ҳайдовчиларнинг умумий йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди.

Шу нарса маълумки, болаларни ёғи оромгоҳларга олиб чиқиш мавсумида «ЛАЗ» русумли автобуслар жалб қилинганлиги сабабли, йўналиш иши айрим кунлари йўловчилар талабига жавоб берма-

ган. Ҳозирги кунда 128-автобус йўналиши иши назоратга олинди. Иккинчи даражада ушбу йўналишдаги автобусларни бошқа тadbирларга камроқ жалб этилмоқда.

Шаҳримизнинг Бешёгон даҳисидида жойлашган энг кекса боғларимиздан Ўзбекистон Миллий боғига кирмаган, унинг зидол ва муссаффо кўлида сайр қилмаган одам бўлмас керак. Ўзбекистон Миллий боғи 1932 йилда ёшлар томонидан ҳашар йўли билан бунёд қилинган. Истиклол йилларида боғ тубдан қайта таъмирланди, кенг қўламаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилиб, янада чирой очиб,обод ва файзли масканга айланди. Бугунги кунда боғнинг умумий майдони 41 гектардан иборат бўлиб, шундан 9 гектарини кўл ташкил этади.

Сўлим боғларимиз МАРОҚЛИ ДАМ ОЛАСИЗ

Халқимизнинг маданий ва маънавий ҳаётида маданият ва истироҳат боғларининг ўрни беқасдир. Мустақиллик йилларида пойтахтимизнинг сўлим гўшалари бўлган истироҳат боғлари тубдан қайта таъмирланиб, янгича қиёфа кашф этди. Ушбу баҳаво, хушманзара, яшилликка бурканган боғларимиз беқасд гўзаллиги,мафтункорлиги билан шаҳримиз кўркига кўрк қўшиб турибди.

мгармаси билан ҳамкорликда «Баркамол авлод» мавзусида спорт мусобақалари ҳам тез-тез ўтказилмоқда. Боғда бо-

моқда. Шу билан бирга бу ерда касб байрамларини ўтказиш ҳам анъаната айланган. «Меҳр-муруват — олий ҳиммат»,

«Меҳр—кўзда», «Дўстлик — тинчлик гарови», «Соғломжон — полвонжон» сингари мавзуларда турли хил тадбирлар,

«Меҳр—кўзда», «Дўстлик — тинчлик гарови», «Соғломжон — полвонжон» сингари мавзуларда турли хил тадбирлар,

«Меҳр—кўзда», «Дўстлик — тинчлик гарови», «Соғломжон — полвонжон» сингари мавзуларда турли хил тадбирлар,

танловлар ўтказилганлигини ҳам таъкидлаш ўринли.

Бу йил боғ ҳудудида яна тўртта аттракцион «Кўнгирчоқча», «Шимол бутури», «Кўёшча», «Занжирли аргимчоқ» ташкил этилиб, улар болаларга бир олам кувонч бағишламоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мавсум бошланоқ боғда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари, боғ ҳудуди тозаланиши доимо сақлаш, сув шохобчаларини тозалаш, яшил кўчатларни кўпайтириш, дарахтларни буташ ва шакл бериш,кўлни тозалаш ва сув қуйиш ишлари самарали олиб боришмоқда. Негатив халқимиз саломатлигини тиклаш, маданиятини юксалтиришда боғларимизнинг ҳам муносиб ўрни бор. Зеро, «Яхши дам—меҳнатта ҳамдам» деган ажайиб нақд бежиз айтилмаган. Мустақиллигимизнинг ўн уч йиллик байрами арафасида боғларимизда ҳамшаҳарларимизнинг дилдан кўнаб, мароқли ва мазмунли дам олишлари учун қизгин ҳозирлик кўришмоқда.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Миллий боғида ҳамшаҳарларимизнинг дам олишлари учун мана шундай шарт-шароитлар яратилган.

Владимир Гранкин олган суратлар.

Мухаммад Солиҳнинг «Тошкентнинг янги тарихи» номли асарига ҳам «Олон» қабила номи эканлиги қайд этилган.

Сўрақ, жавоб берамиз «АЛЛОН» МАҲАЛЛАСИНИ БИЛАСИЗМИ?

Шаҳримизда жуда кўп маҳалла ва кўчалар мавжуд бўлиб, уларнинг номлари тарихини билмаймиз. Бизга «Аллон» маҳалласи, унинг тарихи ҳақида маълумот беришингизни истардик.

Д. Шокаримов, Ш. Отабоева, талабалар.

«Аллон» ҳозирги Собир Раҳимов туманида жойлашган маҳалла, кўча бўлиб, 1988 йил ўрталарида Тошкент шаҳар топонимик комиссиясининг мажлисида маҳалла Аллон кўчаси оқсоқолларининг кўчаларини бесабаб Сберкасса қилиб ўзгартirilганлиги ва ўз тарихий номини қайтаришлари сўраб ёзган шикоятлари кўриб чиқилади. Шу масала бўйича Навоий-шунос олим Ёқубжон Исоқов икки хил фикр айтган.

Маҳмуд Қошғарийда «олон» сўзи учрашини ва у шаҳар чеккаси деган маънони билдиришини, Беруний асарларида II-VII асрларда мамлакатимиз ҳудудида Олон қабиласи яшаганлиги, кейинчалик улар Кавказ томонларга кўчиб кетганлиги ҳақида маълумот бериши ва ҳозирги осетинлар ўша олон қабиласига мансуб деган фикрни билдирди. Мажлис қарори билан иккинчи фикр тасдиқланиб, кўчага ўз тарихий номи қайтарилган. Қомусий маълумотларга қараганда ҳақиқатан ҳам олонлар шимолий Кавказнинг маҳаллий этногенезида ҳамда маданиятининг вужудга келишида муҳим роль ўйнаган. Осетин халқининг шаклланишида нафақат олонлар, шунингдек, сарманлар ва скифлар ҳам иштирок этган.

Мухаммад Солиҳнинг «Тошкентнинг янги тарихи» номли асарига ҳам «Олон» қабила номи эканлиги қайд этилган.

Шарқ дурдоналари

03-03 ҲИТТИҚ ДОНО БИЛУҲ...

● Илм — ҳеч йўқолмайдиган буюк ҳазина, ақл эса эскирмайдиган янги либосдир.

● Қилинган яхшилик ҳар вақт мақтаниб сўзлана берилса, фазилатини йўқотди.

● Луқмони ҳакимдан сўрабдилар:

— Инсоннинг барча гузал фазилатларини йўққа чиқарувчи нарса нима?

Луқмони ҳаким жавоб берибди:

— Бахиллик.

Яна сўрабдилар:

— Инсонни барча айбларини, камчиликларини линхон этувчи нарса нима?

У: «Саховат», деб жавоб берибди.

● Бу дунёнинг саодати инсонларга манзур бўлиб, уларнинг дилига йўл топишдадир. Инсоннинг барча аъзолари ичида дил султондир. Кимки инсон дилини забт этса, бошқа аъзолар ўз-ўзидан тобе бўлур.

ХИКОЯТ: Хисров Парвез ўзининг жувонмардлиги, душманларга аёвсизлиги, ботирлиги билан элга танилган лашкарбоши бўлган экан. Унинг кудратини подшоҳнинг одиллиги натижасида эл-юрт тинч ҳаёт кечиради экан. Лекин бир куни шох айғоқчиси шундай хабар келтирибди.

— Олампаҳо, халқ лашкарларини катта эҳтиромга эга бўлган лашкарбошини сизга қарши исён тайёрламоқда. У сизнинг кудратингизга пугур етказиши мумкин. Унинг ҳорасини кўрмоқ даркор, — дебди.

Подшоҳ ўз лашкарлари билан маслаҳатлашибди ва лашкарбошини ҳибсга олиш керак деган қарорга келибди.

Эртаси куни подшоҳ лашкарбошини саройга чақирибди. Уни энг ҳурматли меҳмонлар учун белгиланган жойга ўтказибди. Унинг душманларга қарши жангларда қўрсатган қаҳрамонликларини зикр этиб, таҳсинлар ўқибди.

Меҳмондорчиликдан сўнг унга жуда кўп совға-саломлар бериб, лутф ила кузатибди. Доно вазирлар таажжуб қилиб, бу илфотларнинг сабабини сўрабдилар. Подшоҳ шундай дебди:

— Мен сизларнинг маслаҳатларингизни инобатга олдим, ўз сўзимдан ҳам қайтганим йўқ. Сизлар ҳибс этмоқ зарур дедингиз, шунинг учун мен уни энг маҳкам кишанлар билан бандладим. Биласизки, дунёда энг маҳкам кишанлар, бу саховат, муруват, яхшиликдир. Кишан билан одам аъзоларидан фақат биттасини боғлаш мумкин. Тавақкур қилиб унинг юрагини кишанлашга аҳд қилдим. Чунки юрак инсон танасида подшоҳдир, бошқа аъзолар эса унга тобебид. Темир кишанларни арраалаб, синдириш мумкин. Лекин саховат, муруват кишанларини парчалаб бўлмайди.

Байт:

Ақл улуглиққа этади пайванд,

Ақлсизнинг доимо оёғида банд.

● Тўрт нарса тўрт нарсага: обрў — адабга, шодлик — хотиржамликка, дўстлик — муҳаббатга, ақл — тажрибага муҳтождир.

● Афлотун ҳаким айтади:

— Фарзандларингизнинг илм ва адабининг ўзининг илм ва адабининг билан чеklangан, уларни келгуси замон учун тайёрланг, чунки улар сизнинг замонангиз эмас, келгуси замон одамлари бўладилар.

Деҳлида инглиз тилида чоп этилган мазкур тўплам асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти ҳамда Ҳиндистон мулоффа тадқиқотлари ва таҳлили институти ҳамкорлигида 2003 йил 6-8 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган "Минтақавий хавфсизлик бўйича Ҳиндистон-Марказий Осиё III халқаро конференцияси" материаллари ташкил этади. Унда жаҳоннинг 15 мамлакати ва иккита халқаро ташкилотдан 31 нафар муаллифнинг долзарб мавзу — Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги, халқаро миқдосдаги хавфсизлик муаммолари, минтақавий ҳамкорлик борасидаги маъруза ва мақола-



GERMANYDA TELEKOMMUNIKACIYA RIVOJLANMOQDA

Ахборот ва телекоммуникация технологиялари Германия бир йиллик янги ички маҳсулотининг деярли 6-7 фоизини ташкил қилади. "Европа ахборот технологияларини ўрганиш" компаниясининг хабар беришича, мамлакат дунёдаги энг самарали телекоммуникация инфратузилмаларидан бирига эга.

82,6 миллион киши истиқомат қиладиган ушбу мамлакатда 29 миллион донна шахсий компьютер бор. Германияда интернет тармоғининг оммалашиб бораётгани кузатишмоқда. Буни ҳар йили 4-5 миллион киши тармоққа обуна бўлаётганидан ҳам кўриш мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, 2005 йилга бориб Германия аҳолисининг 60 фоиздан зиёди ушбу халқаро тармоққа уланади.

2003 йил якунларига қура уяли алоқа воситасидан фойдаланувчилар 63 миллион кишини ташкил қилган бўлса, 2005 йилга бориб бу кўрсаткич 70 миллионга етиши кутилмоқда. Мамлакат аҳолисини янги UMTS (универсал уяли телекоммуникация тармоғи) курилмаси ўзига жалб қилмоқда. Бу тармоқ GSM ва бошқа замонавий уяли алоқа воситаларига нисбатан 5-20 баробар тез ишлаш кудратига эга.

Германия электрон савдоси бўйича ҳам дунёда етакчилардан ҳисобланиб, ундан келадиган фойда йилига 83 миллиард евродан ошмоқда. Масалан, ўтган

Ўзбекистон ва жаҳон ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ КИТОБ

Ҳиндистоннинг Тошкентдаги элчихонасида "Ҳиндистон ва Марказий Осиё: умумий маффаатлар ривожини" деб номланган китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Ҳиндистоннинг Тошкентдаги элчихонасида "Ҳиндистон ва Марказий Осиё: умумий маффаатлар ривожини" деб номланган китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси Шарат Сабхарвал ўз мамлакати ва Марказий Осиё минтақаси ўртасидаги азалий ришталар тарихи-

га тўхталар экан, бунда ҳамisha ўзаро ҳурмат ва дўстона муносабатлар биринчи даражали қадриятлар бўлганига эътиборни қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти директори Равшан Алимов замонавийнинг долзарб масалалари - халқаро терроризм ва экстремизмга қарши кураш, минтақавий барқарорликни таъмин-

лашда Марказий Осиё давлатлари ва Ҳиндистоннинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Тақдимот маросимининг бошқа иштирокчилари ҳам янги тўпламнинг чоп этилиши мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари янада ривожланиб бораётганидан далолат бериб турганини қайд этишти.

Шу ўринда эслатиб ўтиш керакки, яқинда Ўзбекистоннинг Деҳлидаги элчихонасида ҳам мазкур нашрнинг тақдимот маросими бўлиб ўтган ва у минтақавий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи мутахассисларда катта қизиқш уйғотган эди.

ГЛОБАЛ ИСИШНИНГ ЭВЕРЕСТГА ТАЪСИРИ

Пекинда АҚШ, Япония ва Хитойнинг Ҳимолай музликларини ўрганувчи қўшма экспедицияси фаолиятга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Хитой Фанлар академияси қошидаги Цинхай-Тибет тоғларини ўрганиш институти директори Яо Тяньдук сўзга чиқиб, дунёнинг энг баланд тоғ чўққиси Жомолунгма (Эверест) 8849,75 метрдан 8848,45 метрга қисқарганини маълум қилди.

Халқаро илмий экспедиция 40 кун давомида Ҳимолайнинг шимолий музликлари ва унинг этаклари ҳолатини ўрганади. Хитой олими бундай илмий экспедиция тарихида биринчи бор ўтказилаётганини айтиб ўтди. Шунингдек, у чўққи емирилишининг асосий сабабчиси иқлимнинг глобал исиб кетиши эканини таъкидлади. Мазкур жараён муз чўққиларининг эришини тезлаштирмоқда.

Хитой Фанлар академияси ходимларининг илмий изланишлари натижасида, 1966 йилдан бери Жомолунгма чўққиси тинимсиз емирилиб бораётгани аниқланди. 1999 йилдан бери

унинг бўйи 8849,75 метрдан 8848,45 метрга тушиб қолган, 1966-1975 йиллар давомида тоғ йилига 0,1 метрга чўккан бўлса, 1975-1992 йилларда бу кўрсаткич атиги 0,01 метрни ташкил қилган. 1992 йилдан унинг чўқиш суръати яна орта бошлади. Масалан, 1998-1999 йилларда Жомолунгма ўртача 0,13 метрга пасайган, Яо Тяньдук Ернинг энг баланд чўққисининг чўқиши сайёра ҳароратининг тез кўтарилиб кетиши билан беvosита боғлиқлиги ва агар шу ҳолат давом этадиган бўлса, бу кўрсаткич анча ошиши мумкинлигини маълум қилди.

Гуллардан яратилган гилам

Бельгия пойтахтининг марказий майдони — Гранд Плас сатҳини уч кун давомида турфа гуллардан яратилган улкан гилам қоплаб турди.

Таниқли француз ёзувчиси Виктор Гюго таъбири билан айтганда "дунёнинг энг гузал майдони"ни гуллар билан безаш аънаъаси 1971 йилдан бошланган. Шаҳарнинг ўша вақтдаги ҳокими кичик шаҳарчаларда фламанд ландшафт мейморлари томонидан яратилган гуллар композицияларидан руҳланиб ана шундай қарорга келган эди.

1980 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бери марта мунтазам тарзда ўтказиб келинаётган мазкур тадбир турли мавзуларни қамраб олади. Бу йилги композиция XIX аср охири — XX аср бошида яшаб ўтган бельгиялик меймор Виктор Орта хотирасига бағишланган.

Гулдан ясалган гилам 1800 квадрат метрдан иборат (75x24 м). Ҳар квадрат метр майдонга 300 тагача гул ўтказилган. Шундан ҳам кўриниб турибдики, ўзига хос ажойиб гиламни яратиш учун ярим миллиондан кўпроқ гул кетган.

Гилам кашталарини яратиш, гулларни парваришладан тортиб майдонда жонли муҳитни яратишга бўлган жараёнга ўн икки ойдан кўпроқ вақт сарфланади. Бу эса, табиийки, юзлаб кўнгилдилар меҳнатини талаб қилади.

Инсон тасаввур олами ва меҳнати, боғдорчилик ва дизайн санъатининг ноёб маҳсули бўлмиш ушбу гузаллик билан танишиш мақсадида Гранд Плас майдонига Брюсселликлардан ташқари Бельгия пойтахтининг ўн минглаб меҳмонлари ташриф буюришти. Брюссель мэри Фреді Тилеманс гулдан яратилган янги гиламни тақдим этар экан, у Бельгия пойтахти аҳолисининг умид ва дўстлик тилаклари эканини эътироф этди.

«Жаҳон» ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди.

Широбахи**қисмликлар****ЯЛПИЗ**

У барча истеъмол қилинувчи сабзавотлар ичида жавҳари энг латифидир, агар ялпиз шохларини сутга ташланса, сут ивимайдди. Унинг ширасини сиркага солиб ичилса, ичдан қон оқшини тўхтатади.

Ялпизни, айниқса, арпа уни билан қўшиб, бош оғригига қарши пешонага қўйиб боғланади. У билан дағалланган тилни ишқаланса, дағаллиги кетади. Ялпизнинг ширасини асал суви билан аралаштириб оғриган қулоққа томизилади. Қонталаш ва қон кетишни тўхтатади. Ялпиз меъдани маҳкамлайди, уни қиздиради, ҳиқчоқни тўхтатади, овқатнинг сингишига ёрдам қилади, қон қусишни тўхтатади ва сариқ касалига фойда қилади. Агар ялпиз шохларини анор донаси билан ичилса, қусиш билан бўладиган ичкетини тўхтатади. Қайнатмаси «тикка нафас олиш» касалига фойда қилади. У, айниқса, анжир билан бирга ейилса, кўкракдаги ёпишқоқ қуюқ хилтларни чиқариш учун кучли додир. Қобиргалардаги оғриқларга ҳам фойда қилади, бу хил таъсир тоғ ялпизда кучлироқ. Тоғ ялпизи оғиз яраларига фойда қилади ва бурун тешигидан чиқиндиларни тунширади.

УКРОП

Укроп совуқ хилтларни пиширувчи, оғриқларни тинчлантирувчи ва елларни ҳайдовчидир. Укроп ишларни пиширади. Унинг кули говак яраларга фойда қилади.

Унинг шираси қулоқ оғригига фойда қилади ҳамда қулоқдаги рутубатларни қуритади. Укроп ва унинг уруғи сутни қўпайтиради, айниқса, ҳолвайтарга қўшилса, шундай. Ичак оғриқларига фойда қилади.

ҚУШҚҮНМАС

Қайнатмаси билан оғизни чайқалса, тиш оғригига фойдалидир, шунингдек, ўйилган яраларга фойдали қилади.

Меъда ва жигарга ҳам фойдали. Чўзма иситмаларга, айниқса, болаларда бўладиганига фойдалидир.

Меҳрибон оталаримиз оила фахри, қувончидир. Фарзанд кўнглини тоғ этган, она дилини чоғ этган, рўзгоримизга фойз киритган оталаримиз билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Оилам деб тиним билмайдиган жафокаш бу инсон ҳеч қачон ўз меҳнатини меҳнат билмайди. Оила бахтини қадрлайди, уни кўз қорачиғидай асраш ота-оналарнинг, айниқса, оилаларнинг муқаддас, эзгу ишидир. Софдил, камтарин, олижаноб оталар оила бахтини мустаҳкамлайдилар.

Биз болаликдан ота-онага чексиз ҳурмат, уларнинг чизигидан чиқмаслик, уларга тик қарамаслик руҳида тарбияланганмиз.

Бошни фидо айла

ато қошига,

Жисмини қил садқа

ано бошига.

Туну кунингга

айлагай нурпош,

Бирисин ой айла,

бирисин қуёш—

деб таълим берадилар буюк бобомиз Алишер Навоий.

Олтин, қумушнинг эскиси бўлмас, ота-онанинг баҳоси бўлмас. Ота-онанинг борлиги катта давлат, бахт.

Меҳрибон ва қаттиққўл, билимдон ва катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган битта ота юзта ўқитувчидан устундир. Баъзи ота-оналар фарзандларини серташвиш ва саховаткор қалб билан севадилар. Эрқалатса онаси, талтаъди боласи. Боланинг қулга айланиши, унинг айтганларини қилавериши фарзанд тарбиясига путур еткази. Бошқача бир зийрак, осойишта муҳаббат ҳам борки, у болаларни виждонли қилиб тарбиялайди. Ҳақиқий оталик муҳаббати худди шундай бўлади. Ота болаларни бино қилиш, уларни ҳалол топганидан едириб-ичириш билан ўз зиммасидаги вазифанинг учдан биринигина бажарган бўлади. У фарзандларини тарбиялаб эл қаторига қўшмоғи, соғлом ва ақли расо авлодни етилтирмоғи, давлатга онгли фуқароларни тайёрлаб бермоғи лозим. Бу отанинг оила ва жамият олдиди муқаддас бурчидир. Буни бажармаса ёки чала бажарса, ота деган улғ номга нолайиқдир.

Муқаддас Қуръони карим ва муборак Ҳадиси шарифларда ҳам ота-онага муносабат, уларнинг хизматини қилиш ҳақида қимматли фикрлар баён қилинган. «Инсонга ота-онанинг хизматини адо этишни буюрдик... ота-онага яхшилик қилгайсан. Агар улардан бири ёки иккови сенинг ҳузурингда кексайиб кучкуватдан қолса, уларни жеркима ва уларни малол олма. Уларга мулоийм ва юмшоқ сўз айт. Раҳмдиллик

сонга узатсам, деб орзу қилар экан. Бир куни аёнларини тўплаб, уларга ниятини айтибди. Чопарлар тўрт томонга қараб йўлга тушибдилар. Эртасига улардан бири подшоҳнинг ҳузурига кириб шундай дебди.

— Хон ҳазратлари, қизингизга муносиб бир йигитни кўриб келдим. Камтарин, хунарли, одоли, ота-онасининг хизматларини қилиб

кабутарларга ўшар эмишлар. Улар қўша қариб муроду мақсадларига етишибди.

Ота-она дуосини олиб элга танилган ҳамшахарларимиз, замондошларимиз ҳам оз эмас. Тошкентнинг «Камолон» маҳалласида яшовчи Ориф ота Саидзимов узоқ йиллар давлат корхоналарида новвойчилик қилиб пенсияга чиқдилар. Пири бадавлат оила бошлиғи роҳат-фароғатда, иззат-ҳурматда умргузаронлик қиляптилар. Рўзгор бут, қўлларини қаерга узатсалар етади. Шундай бадастир турмушининг сабабини сўраганимизда ота-хон: «Бунинг ҳеч қандай сирини йўқ, ҳалол яшаш керак. «Олма пиш оғзимга туш», деб ўтиришдан фойда йўқ. Энг муҳими, ёшлигимда раҳматлик ота-оналаримнинг хизматини қилиб дуоларини олганман. Ота-онанинг дуоси вожиб деган гаплар бор. Фарзандларимни мен ҳам дуо қиламан, уларнинг камолини кўрсам деб орзу қилардим. Аллоҳга беадад шукр, ниятимга етдим» дедилар.

Шоир ёзганидек:

Ота кириб келса эшиқдан агар, Байрамдай минг яшнаб кетар оила.

Ҳар сўзи мақолдай азиз, мўътабар, Лиммо-лим садоқат ва вафо ила.

Фарзандлар иқболин ўйлаш билан шод,

Камолот мактаби — ўгити панди.

У билан қалбимиз, уйимиз обод,

Отага таъзим қил, инсон фарзанди.

Гўдақлар кулгуси, хонадон файзи,

Шу ном билан бу шод авлод аталар.

Ватан саодати, шарафи, рамзи,

Қалби дарё, меҳри қуёш оталар.

Бизни мудом яхшиликларга етаклайдиган оила тинчлигининг посбони, оила аҳилигининг гарови, беминнат, захматқаш, қўли доим саховатга, дуога очик оталаримиз ҳамisha ёнимизда бўлишсин. Аллоҳ у зоти олийларининг умрини зийда қилсин.

Мирза Анвар ҚАРИМОВ

Қадриятларимиз**БОШНИ ФИДО АЙЛА АТО ҚОШИГА**

Ота ва она! Шу икки улғ зот бизга ҳаёт берган, меҳр билан парвариш қилган, ўқитиб, хунарли қилиб вояга етказган.

юзасидан улар олдида камтаринлик қил» дейилади муқаддас китобимизда. Ота-онага яхшилик қилишни, уларнинг хизматини адо этишни Расулulloҳ алайҳи вассалам Аллоҳ йўлида қилинадиган фазот билан тенглаштирганлар. Ул зот бир куни кўча бўйида саҳобалар билан ўтирган эдилар. Бир норғул йигит кўчадан ўтди. Шунда саҳобалардан бири «Бу йигит шу савлати билан фазотга борса, Аллоҳ йўлида хизмат қилган бўлур эди» дедилар. Расулulloҳ: «Агар бу йигит қаринган ота-онасининг хизматини қилиш учун фазотга чиқмаган бўлса ҳам, Аллоҳ йўлида фазот қилганлар билан баробардур» дедилар.

Қадим замонларда узоқ умр кўриб, бир-бирларига суюниб қолган табаррук ота-онахон бўлган эканлар. Уларнинг Аллоҳдан тилаб олган яққо ягона ўғиллари бўлган экан. Қобил фарзанд туну кун уларнинг хизматида бўлган экан. Тансиқ таномлар тайёрлаб, меҳрибонларига тутар экан. Уларга мулоийм гапириб, хизматларига шай бўлиб турар экан. Унинг ота-онага меҳрибонлиги, ушхулқилиги эл оғзига тушибди, одамларнинг ҳурматини қозонибди. Шу мамлакатнинг подшоҳи ёлғиз суюкли қизи билан яшар экан. Қизимни меҳнатқаш, инсоф-диёнатли, унинг қадрига етадиган ин-

обрў орттирган йигит экан. — Шундай бўлса, уни қачиртириб кел. Бир сўхбатини олай.

Барваста ўктам йигит қўшқа кириб келибди. Подшоҳга яқинлашиб, тавозе билан салом берибди.

— Келинг бўтам, яқинкор ўтиринг. Хўш, ота-оналарингиз соғ-саломатмилар?

— Алхамдулиллоҳ, соғ-саломатлар. Сизга салом айтиб юборишди.

Подшоҳ кетма-кет саволлар бериб йигитни чиғирикдан ўтказди.

— Сизни мақтаганларича бор экан, — деди ҳукмдор сўхбат пировардида, — сиз ҳар жиҳатдан бизга муносиб экансиз. Кўзимнинг оку қароси — қизимни сиздай йигитга берсам, деб орзу қилардим. Рози бўлсангиз бизга қуёв-ўғил бўлинг.

Йигит довдираб, нима дейишини ҳам билмай қолибди.

— Оппоқ қизим, — дебди подшоҳ суюкли қизига, — шаҳримизда бизга муносиб ажойиб йигит бор экан. Ота-онасининг хизматларини қилиб, қўп дуо олган экан. Шу йигитни қуёв қилсак, нима дейсан, она қизим?

— Сиз менга муносиб кишини раво кўрар эдингизми, отажон, ўзингиз биласиз.

Подшоҳ қизини тўй-томошалар билан узатибди. Қуёв-келинлар бир жуфт

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪОНЛАР

Давлат божхона қўмитаси божхона фаолиятида юригиладиган китоб ва бланкаларни чоп эттириб, харид қилишга танлов эълон қилади.

Мурожаат учун телефонлар: 120-76-60

Коммутатор: 120-76-00, ички: 26-11, 26-08.

Таклифлар эълон матни чиққан кундан бошлаб 20 кун муддат ичида қабул қилинади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.



ATHENS 2004

**Ҳаширлар**

Афина шаҳрида ўтказилаётган XXVIII ёзги олимпиада ўйинларида иштирок этувчи спортчиларимизга бағишлаб янги почта блоклари муомалага киритилди.

ОЛИМПИА УЙИНИЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

«Ўзбекистон Маркази» ОАЖ томонидан тайёрланган «Афинадаги XXVIII Олимпия ўйинлари» деб номланган ушбу почта блокларида Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси тамғаси ҳамда бир қанча спорт ўйинлари тасвири туширилган. Шунингдек, почта маркалари 4 хил ранглар жилоси ила нозик дид билан безатилган. Почта маркаларида лотин графикасидаги «Афинадаги XXVIII Олимпия ўйинлари» ёзувини кўришимиз мумкин.

Дунёдаги энг нуфузли халқаро мусобақада қатнашаётган спортчиларимизнинг омад ва зафарларни кучишларида мазкур почта блокларининг ҳам ўзига яраша аҳамияти бўлади, деб ўйлаймиз.

Юлдуз РИЗАЕВА

Спорт

ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Яқиндагина Хитойда футбол бўйича Осиё чемпионати мусобақалари бўлиб ўтганлигидан мухлисларнинг хабари бор, албатта.

Ушбу нуфузли турнирда иштирок этган Ўзбекистон терма жамоасини ҳар томонлама кўллаган-қувватлаган, кизикарли футбол учрашувларини телеэкран орқали намойиш этиш мақсадида Ўзбекистон Футбол федерацияси ташаббуси билан мамлакатимиздаги кўплаб корхона, ташкилотлар, хусусан, «Элжи электроникс» компанияси томонидан мухлислар ўртасида танлов эълон қилинган. Унга кура танлов иштирокчиси Ўзбекистон терма жамоасининг ҳар бир учрашувларининг чорак, ярим финал, финал баҳси натижаларини олдиндан баҳорат қилиши лозим эди. Қувонарлиси, Осиё чемпионати учрашувларининг натижаларини тўғри баҳорат қила олган танлов қатнашчиларини ҳамишлар таъсис этган совғалар куйаётгани.

Кун кеча Ўзбекистон Футбол федерациясида танлов голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда футболимиз мутасаддилари, ҳомий ташкилотлар вакиллари ва танлов иштирокчилари қатнашди. Танлов якунларига кура ўйин натижаларини тўғри топа олган беш нафар ҳамюртимизга телевизорлар совға қилинди.

ҚИЗГИН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШМОҚДА

Сергели туманида фаолият юритаётган «Жокей» спорт клуби чавандозларнинг халқаро турнирларда муваффақият қозониб келаётганлиги таҳсинга сазовор.

Мамлакатимизнинг от спортига ихтисослашган клубларидан бири «Жокей»да чавандозларнинг маҳоратларини ошириш, спортчиларнинг халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашларини таъминлаш мақсадида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Шуни қувонарлики, клубда бир ёшдан 50 ёшгача бўлган зотли отлар парвариш қилинади. Яқиндагина «Жокей» клубига Россиядан, Туркистондан янги отлар келтирилди. Клуб чавандозлари эса халқаро мусобақаларга жиддий ҳозирлик кўрмоқдалар.

(Ўз мухбиримиз)

Н.Ҳайдарова хорижга, ишга боришни хоҳловчи кишиларга ўзини Россия Федерацияси, Москва шаҳрида жойлашган «Роял Марин Агентлиги» ва «Вегарус» МЧЖ (масъулияти чекланган жамият) вакили сифатида таништирди. Тез орада одамларни хориж давлатларига ишлаш учун юборишни ваъда қилди. Турмуш ўртоғи Э.Ҳайдаров ва гуруҳ аъзолари соддадил одамларнинг ишончини сунистеъмор қилиш йўли билан 2000-2001 йиллар давомида Ж.Мўминовдан 600 АҚШ доллари ва паспортини, Р.Маллаевадан 3500 АҚШ доллари ва паспортини, Б.Абдувоитовадан 2800 АҚШ доллари ва паспортини, Ш.Исламовдан 1.200.000 сўм пул ва паспортини, З.Ильмуродовдан 4000 АҚШ доллари ва паспортини ҳамда шу каби 25 нафар кишиларни ҳам алдаб, кўп миқдордаги АҚШ долларларини, паспортларини олишди.

Н.Ҳайдарова ва Э.Ҳайдаров 2001 йилнинг октябр ойида Р.Маллаева, опасингил З.Ильмуродова, Ш.Бурханова, Н.Облақуллова, Н.Собиров, А.Ҳақимовлардан «Шенген» визаси орқали Европа давлатларига ишлаб келиш учун юборишни ваъда қилиб, ҳар биридан 500 АҚШ долларидан, жами 3500 АҚШ долларини олиб, алдашди. Хорижга боришни хоҳловчилардан жами бўлиб 108.505 АҚШ доллари ва 9.390.000 сўм пулларни фирибгарлик йўли билан олиб, уларни ўз манфаатлари йўлида ишлатиб юборишди.

Пул берган одамлар чув тушиб қолмаслик мақсадида юқоридаги фирибгарларга доим учрашиб, қачон жўнашларини билишга қизиқиб юришди. Уларни янада ишонтириш учун Н.Ҳайдарова бир гуруҳини Москва шаҳрига олиб борди. Москвада уларни С.Абдусаломов

кутиб олиб, гуруҳнинг аъзоси бўлмиш Б.Хидировнинг топшириғига асосан И.Қосимов билан бирга одамлардан яна 48.000 АҚШ доллари йиғиб олишди. Б.Хидиров икки кун ичида ушбу пулларга виза тўғрилаб бериши лозим эди.

Қалмиш — қидирмиш

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ФИРИБГАР

Халқимизда бир нақд бор: «Менинг нафсим балодур, ёнар ўтга солодур». Бу бежизга айтилмаган, албатта. Ҳаётда ана шундай нафс бандалари учраб туради. Нафслари ҳақкалак отган Элмурод Ҳайдаров ва унинг турмуш ўртоғи Нават Ҳайдаровалар шериклари С.Абдусаломов ва Б.Хидировлар билан антиқа режа тузишди. Ушбу режага асосан улар одамларни чет элга жўнатамиз дея алдаб, қинғир йўллар билан бойиб қолишни истаганлиги. Улар шу мақсадда Россия Федерациясининг Москва шаҳрида жойлашган «Роял Марин Агентлиги» ва «Вегарус» МЧЖлар орқали ёлланма ишчи сифатида Америка ва хориж давлатларига ишлаб келиш учун боғришни хоҳловчи фуқароларни топшиди. Уларни ишонтиришиб, қармоққа олиштириб, паспорт ва кўп миқдордаги пулларини олишиб, алдаб келишди.

Аммо улар ваъдасининг устидан чиқишмади. Одамлар виза ололмади бир неча кун Москвада сарсон-саргардон бўлиб қолиб кетишди. Бир амаллаб Тошкентга қайтгач, улар Б.Хидировни топиб ҳақиқатан ҳам пулларни олганлиги тўғрисида тилхат ёздириб олишди, аммо пулдан дарак йўқ эди.

Б.Абдувоитова Н.Ҳайдарованинг тузоғига илинганлардан бири ҳисобланади. Унга Америкага ишлаб келишни таклиф қилганда Б.Абдувоитова шошиб қолди. Чунки қўлида нақд пули ҳам йўқ эди. Шунинг учун у фарзандлари билан яшаб келаётган уйини сотиб, 2000 АҚШ долларини Н.Ҳайдарованинг қўлига берди. 800 АҚШ долларини эса Н.Ҳайдарова айтган меҳмонхона учун тўлади. Б.Абдувоитова уйсиз қолишдан қўрқиб доим Н.Ҳайдаровадан қачон жўнаши лозимлигини тез-тез сўраб тур-

ди. Н.Ҳайдарова эса Америкага ишлаб келса уша пулларга битта эмас, иккита уй олишига ишонтириб юраверди. Натияжада аёл уйсиз қолди.

Ш.Исламов танишидан Америкага ишлаш учун бир аёл юборишаётганини эшитган заҳоти Н.Ҳайдарованикига югурди. У ёққа бориш 4300 АҚШ доллари бўлишини билгач, икки кундан сўнг улар яна учрашди. Уйда эр-хотин иккаласини учратиб, Ш.Исламов «Ҳақиқатдан ҳам Америкага ишлаш учун юбораяпсизларми, алданиб қолмайми?» дея сўради. Шунда Э.Ҳайдаров ички ишлар органларида ишлаш-лиги тўғрисидаги гувоҳнома-сини кўрсатди. Одамларни ҳеч қачон алдамаслигини, шу ерда доимий истиқомат қилишини айтиб ўтди. Уларга қаттиқ ишонган Ш.Исламов эртаси кун турмуш ўртоғи Д.Исламова билан уларнинг уйига бориб ўз қўлларини билан 1.200.000 сўм пулни берди. Афсуски улар ҳам алданиб қолишди.

Халқимизда «Қинғир ишнинг қирқ йилдан кейин қийин чиқади», деган гап бор. Албатта, эр-хотин фирибгарларга қўлга тушиб, қилмишларига яраша жазоларини олишди.

Лекин кўнгилда бир оғриқ уйғонади. Текин еб-ичишга, одамларни қақшатиб бемалол маъза қилиб яшаб юришга ўрганган бундай фирибгарларга ўзимиз шароит, имконият яратиб бермаяпми? Ҳалол ишлаб топган пулимизни нега бетаин одамларнинг қўлига икки қўллаб топшириб қўяпмиз. Салгина зийракроқ бўлайлик ахир.

Шаҳзода ШАРИПОВА,
Шайхонтоҳур тумани
прокурорининг ёрдамчиси,
Хонбиби ҲИММАТ
қизи, журналист.

ДАВРА СУҲБАТИ

Ҳар бир жамиятнинг мавқеи унинг аёлларга бўлган муносабатига қараб баҳоланади. Ривожланган демократик давлатларда аёлларнинг ўрни ҳам анча баланд. Республикамизда ҳам аёлларнинг ижтимоий мавқеини кўтариш, сиёсий фаоллигини ошириш, гендер ва репродуктив ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда.

Сергели туманидаги Шукур Бурхонов маҳалласида Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармоннинг ижроси юзасидан ўтказилган давра суҳбати ҳам жамиятимизда аёллар фаоллигини ошириш йўлидаги ўзига хос қадам бўлди. Тадбирда сўзга чиққанлар юқоридаги Фармонни бажариш борасида илгари сурилган мақсадлар, биринчи галда нималарга эътибор бериш зарурлиги хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Анжуманда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг соғлигини сақлаш, аёлларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, уларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш юзасидан ҳамда мактабларда форма жорий этиш бўйича таклифлар ва тавсиялар билдирилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, жамиятнинг фаол, эркин, тенг аъзоси бўлмиш аёл-она, устоз, мураббий, жамоатчи, меҳнатқаш раҳбар сифатида ўз имкониятларини, ижтимоий-сиёсий ҳуқуқлари ва бурчларини чуқур англаб олиши давр талаби ҳамда ҳаёт заруратидир.

Дилором ДЎСУҲАМедОВА,

Ўзбекистон Миллий университети талабаси.

Қаҳқаҳа

ТЎЁНА

Ўлгудек ҳасис бир қассоб Ҳожибойни тўйга таклиф қилди:
— Мен артис-партис қилиб ўтирмай, ўзингни айттириб қўя қолдим. Меҳмонларни яхшироқ қулдирсанг, одамлардан тушган пулнинг ҳаммаси ўзингники!

Ҳожибой қассобни бир боллаб қўйиб ниятида: «Яқши. Хотиржам бўлинг, меҳмонларингиз маъза қилиб қулишад», деб жавоб қилди. Лекин тўй кунини базмга ўзи бормади. Қаердандир бир қулоч келадиган от суяк топиб, шогирд болага тайинлади:

— Мана шунини елкангга ташлаб, тўппа-тўғри тўйхонага борасан. Меҳмонлар ўтирган даврани уч-тўрт марта айланасан. Кейин Эшмат қассобни ўртга чақириб, «Мана шу тўёнани сизга Ҳожибой юбордилар» дейсан.

Бола шундай қилди. Бўлди қулги, бўлди қулги! Аламига чидолмаган Эшмат қассоб Ҳожибойниқига югурди:

— Бу нима қилиқ? Мени росаям қулгига қолдириб, шарманда қилдинг-ку!

— Қўрдингизми, ўзим бормасам ҳам меҳмонларингиз маъза қилиб қулишяпти. Мен розиман, улардан тушган пулнинг ҳаммаси энди ўзингизники!...

БОЛАЛАР ОРОМҒОҲИ ОШХОНАСИ



Сўзсиз сурат. Абдурусул Ҳакимов чизган расм.



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзил: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70,
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65,
факс: (3712) 133-21-36.

Ҳажми — 2 беъма табоқ офсет усунула босилган.
2764 нусхада босилган. Қоғоз биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатда олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни etkazib бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтматига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнизи мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41-уй.